

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2023 йил 24 июнь, № 130 (8473)

Шанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чақрабартини қабул қилди.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурининг устувор йўналишлари, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, сув таъминоти соҳаларидаги янгиланишлар кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш ма-

салаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Юртимизда Халқаро тижорат суди фаолиятини йўлга қўйиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг бориши ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш юзасидан музокаралар жараёни муҳокама қилинди.

Ў.А.

## ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА БЎЛДИ

Хабарингиз бор, шу кунларда юртимизда МДҲга аъзо давлатларнинг "Ҳамдўстлик болалари" 8-халқаро маданий-маърифий форуми бўлиб ўтмоқда.

### Учрашув

Кеча мазкур форум доирасида Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистондан ташриф буюрган ва ўзбекистонлик юзга яқин мактаб ўқувчилари ва уларнинг устозлари парламент юқори палатасида бўлди.

Бу ерда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ва парламент аъзолари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Сенат Раиси ёшларни қутлар экан, ушбу муҳим халқаро форумни Ўзбекистонда ташкил этиш ва ўтказиш катта шараф эканини билдирди. — Кун кеча очилиш маросимида гувоҳи бўлганимиздек, ҳар бир мамлакат делегацияси Ҳамдўстлик давлатларидан келган тенгдошлари билан муҳокама қилиш учун турли тақдиротлар, ғоя ва тақлифлар билан пухта тайёргарлик кўрган ҳолда етиб келди. Тадбирнинг кун тартиби ранг-баранг, қизиқарли ва воқеаларга бой. Бу ерда МДҲ иштирокидаги давлатлар халқларининг миллий аъзона ва урф-одатлари тақдиротлари билан танишасиз.

Ўзбекистонлик тенгдошларининг миллий санъат, хунармандчилик, маданият, таомлар намуналарини намойиш этди, кўргазмалар ташкил қилди. Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистоннинг буюк тарихий ўтмиши

ҳақида ҳар томонлама тушунчага эга бўлдингиз, деган умиддамиз.

Ёшлар парламенти аъзолари билан ҳам мулоқот қилиш имконига эга бўлдингиз. Умид қиламизки, бундай мулоқот ёшлар манфаатларига мос келадиган янги ташаббус ва ғояларни илгари суртиш имконини беради, — деб таъкидлади Т. Норбоева.

Жонли тарзда кечган мулоқот давомида форум иштирокчилари турли мавзулардаги саволлар билан мурожаат қилди. Хусусан, саволлар орасида Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлаш масалалари, юзага келадиган экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари, ҳозирги глобаллашув жараёнида кадрлар ва аъзоларни сақлаб қолиш, Олий Мажлис Сенатига аҳолининг мурожаатлари қандай йўналиши, уларнинг ҳал этилиши, мамлакатлар ўртасидаги парламент алоқаларини янада мустаҳкамлаш каби масалалар ўрин олди.

Сенаторлар билан мулоқот чоғида парламент юқори палатаси фаолияти, тарқиб ва қончилиқда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди. Сунгра меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида, хусусан, "Наврўз" этнографик боғида бўлишди.

«Халқ сўзи».

### Иқтисодиёт

## ЭРОНЛИК ТАДБИРКОРЛАР ФАРҒОНАДА 11 ТА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Фаргона вилояти ҳокими ўринбосари Иқболжон Эргашев шу йил 14 — 18 июнь кунлари Техрон шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон — Эрон бизнес форумида иштирок этди.

Тадбир доирасидаги музокараларда Фарғона вилоятида Эрон сармоясига иштирокида умумий қиймати 38 миллион долларлик 11 та инвестициявий, савдо-иқтисодий йўналишлардаги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Шунингдек, ҳамкорликда Фарғонада "Ўзбекистон — Эрон савдо уйи" ташкил этиладиган бўлди. Айтиш жоизки, Эроннинг Мозандарон вилояти билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

даронда текстиль, ёғочсозлик, қозғасаноати, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги тармоқлари янги ривожланган. Эндиликда ушбу йўналишларда ўзаро шерикликда истиқболли лойиҳалар амалга оширилади.

Мулоқотлар якунида жорий йилнинг тўртинчи чорагида Мозандарон расмийлари ҳамда тадбиркорларидан иборат делегация Фарғона вилоятига ташриф буюриши режалаштирилди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2023 йилнинг 23 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалока тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева оlib борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи иш кунинда сенаторлар дастлаб "Ўзбекистон

Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунни муҳокама қилди.

Мазкур қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида ҳозирги замон воқеликларини, фуқароларнинг тақлифлари ва талаб-истакларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ошиб бораётганини, айниқса, маданият, спорт ва илм-фан соҳаларида катта галабаларга эришилиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи жаҳон узра баланд кўтарилганганини инобатга олиб, ундан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш эҳтиёжи юзага келган.

Шу эҳтиёждан келиб чиқиб, амалдаги қонун бир нечта янги нормалар билан тўлдирилмоқда.



## ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА ИШОНЧЛИ КЎПРИК



Улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг "Агар огоҳсен сен — шоҳсен сен" деган ҳикмати ахборотга эга инсоннинг имкониятларини, қуч-қудратини бадиий ифода этади.

Дарҳақиқат, муайян воқеа-ҳодиса ҳақида тўлиқ маълумотга эга киши вазиятга ҳаққоний баҳо бера олади, у адашмайди, алданмайди, тўғри йўлдан чалғимайди. Фақат ушбу ахборот реал, ҳаётий далилларга асосланган, чин ва ишончли бўлса!

Шу маънода, бугун ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилишнинг илоҳи йўқ. "Тўртинчи ҳокимият", деб аниқ таъриф берилган ОАВ турли воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар бериб, жамоатчиликнинг онига таъсир кўрсатади, маънавий-маърифий вазибаларни бажаради.

Журналистиканинг тадрижий ривожини далолат беришича, унинг тараққиётидаги асосий йўналишлардан бири инсоннинг мулоқотга бўлган талабини тўла қондириш, яъни унга ижтимоий аҳамиятга эга ахборотни етказишдан иборат бўлган.

### Мушоҳада

### Қулай ва тушунарли шакл

Қадим замонлардаёқ инсоннинг ўзи алоқа воситаси бўлган, яъни турли янгиликларни шомонлар, ровийлар ва башоратчилар тарқатишган. Хабарлар қоятошлар, пергамент ва тахтачаларда акс эттирилган.

Журналистиканинг илдишлари антик дунёга бориб тақалади. Уш вақтда ёзув энди пайдо бўла бошлаган, алифбони эса фақат аристократлар, нуфузли давлат хизматчилари билишган ҳолда. Турли-туман долзарб янгиликларни тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланувчи дастлабки хизматлар ҳам вужудга келган. Хабарлар, асосан, жарчилар ва чопарлар ёрдамида одамларга етказилган.

Лекин аниқ ва ишончли ахборотни беришга етказиш жараёнида мазмунан ўзгариб кетмаган хабарларни билиш истаги тўплам кўринишидаги қўлзмалар пайдо бўлишига олиб келди.

Қадимги Римда чиққан "Acta Diurna Populi Romani", "Acta Publica" ва "Acta Senatus" каби нашрларни, ўта жўн бўлсада, замонавий ОАВнинг "илдишлари" дейиш мумкин. Эътибор берилса, ана шу ахборот манбаларининг номларида тақдорланган биринчи сўз "Acta" — "хўжат" деб таржима қилинади. Кўриниб турибдики, қадимий "газеталар" давлат хўжати мақомида бўлган.

1440 йилда Иоганн Гуттенберг томонидан кўчма литерли босма дастгоҳ яратилди ва бу матбуот, журналистиканинг ривожланишига туртки бўлди. Ижти-

мой институт сифатида пайдо бўлган матбуотнинг ватани сифатида Фарбий Европа худуди тан олинди.

Биринчи газета, деб Бельгиянинг "Nieuwe Tydingen" ("Барча янгиликлар") нашрини айтиши мумкин, у тахминан 1605 йилдан эътиборан Антверпенда чиқа бошлаган. 1702 йил 11 мартдан эса Лондонда илк қўндалик газета — "Daily Courant" ("Қўндалик хабарнома") чоп этила бошланди.

XIX аср оммавий босма нашрларнинг юзага келиши даври бўлди. Бу жараён АҚШ ва Европада деярли бир пайтда давом этди. Америкада эса илк бора турли аудиторияга мўлжалланган арзон, оммабон газета — "penny press" феномени юзага келди.



### Мулоҳаза

Хусусан, ҳудудларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш бўйича мулақо янги тизим жорий қилиниб, бундай муассасалар учун қўшимча 20 мингга ўрта тиббиёт ходимлари штати ажратилди, ҳар бир маҳаллада хонадонбай ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди, аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Тиббиётнинг аҳолига энг яқин

бўлган муассасалари — оилавий поликлиникаларни янги замонавий УТТ ва ЭКГ аппаратлари билан таъминлаш орқали қишлоқ ва маҳаллаларда 8 турдаги янги тиббий хизматлар йўлга қўйилиб, бирламчи тиббий хизматлар қўлами кенгайди.

Бундан ташқари, юқори малака ва технологияларни талаб қиладиган ихтисослаштирилган тиббий хизмат турлари кўпайтирилиб, бундай тиббий хизматлар

тиббиётнинг барча бўғинида — бирламчи тиббий санитария ёрдамидан тортиб, ихтисослаштирилган тиббий хизматга моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, уларда кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари кўпайди, бундай хизмат кўрсатувчи муассасалар тармоқлари ҳудудлар, туман-шаҳарларга етиб борди, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини оширишга эътибор кўчайди.

қўлами ҳам кенгаймоқда. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг сони охириги беш йилда 13 тадан 23 тага етди, ҳудудларда юздан ортик филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Натижада илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги операция ва диагностика жараёнларини маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилди.



## 2023 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI 9-IYUL

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Кеча Марказий сайлов комиссияси (МСК)нинг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар, шунингдек, ушбу муҳим сиёсий жараёнда қатнашадиган хорижлик кузатувчилар ҳамда ОАВ вакиллари аккредитация қилишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган барча мурожаатларга МСК томонидан

қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда, ўз вақтида жавоб қайтарилмоқда ҳамда бирор-бир мурожаат эътибордан четда қолдирилмаётти.

Шундан келиб чиқиб, сайловга тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар бўйича кўрилган чоралар комиссия аъзолари томонидан муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.



### Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКISTON ҲАМКОРЛАРИ

УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА, ШУНИНГДЕК, ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ВА БОШҚА ХАЛҚАРО ТУЗЛАМАЛАР ДОИРАСИДАГИ МУЛОҚОТНИ ФАОЛЛАШТИРИШ КУРСИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШИДАН МАНФААТДОР

Халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доира вакиллари Ўзбекистонда кечаятган сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бормоқда.

Бўлажак муддатидан илгари Президент сайлови Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши, унинг ташқи ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларини белгилаб берадиган муҳим сиёсий воқеалардан бири бўлиши, шубҳасиз. Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, сайловга тайёргарлик ва сайловдаги ташвиқотнинг бориши Ўзбекистонда сайлов жараёнларининг демократлашуви кучайиб бораётганидан, мамлакатда амалга оширилаётган туб ва кен қўламли ислохотлар халқ томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганидан далолат бermoқда.

Ахмад ТОҲИР, Мисрининг "Хивор" сиёсий ва ахборот тадқиқотлари маркази директори:

— Биз Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жараёнларни доимий кузатиб бораёلمиз. Мамлакатингизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришлардан ҳам мамнунмиз.

Маълумки, 9 июль куни Ўзбекистонда муддатидан илгари Президентлик сайлови бўлиб ўтади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон сўнгги йилларда барча соҳада улкан муваффақиятларга эришди ва фаровонлик сари дивид қадам ташламоқда. Буларнинг барчаси мамлакатда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилмоқда.

Юртингизда "Янги Ўзбекистон" ширин остида бошланган улкан бунёдкорлик ишлари илҳом довом эттирилиши керак. Шу боис муддатидан илгари Президент сай-



ловини ўтказиш тўғрисидаги қарор якунида референдум орқали қабул қилинган янгиланган Конституцияга мувофиқ мантиқан тўғри бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки Ўзбекистоннинг янгиланган Асосий Қонунида Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар ва ҳокимлар олдида долзарб сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифалар белгилаб берилган.



## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарув ушларини жорий этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада

тиббиётнинг барча бўғинида — бирламчи тиббий санитария ёрдамидан тортиб, ихтисослаштирилган тиббий хизматга моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, уларда кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари кўпайди, бундай хизмат кўрсатувчи муассасалар тармоқлари ҳудудлар, туман-шаҳарларга етиб борди, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини оширишга эътибор кўчайди.



Хосан ПЛЮДОВ оlingн сурат.





# ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА ИШОНЧЛИ КЎПРИК

Биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Нью-Йорк аҳолиси 218 минг кишига етган 1833 йилда эса энг йирик кундалик нашр ҳисобланувчи газетанинг атиги 4500 нафар обуначиси бўлган. Америкада ўртаҳол ишчининг маоши кунига 75 центни ташкил этган ўша даврда нашрнинг нархи 6 цент эди ва уни сотиб олишга ҳаммининг ҳам қурби етмасди. Ўша даврда газеталар қўл дастгоҳларида босилар ва бу дастгоҳ бир соатда бир неча юз нускага чиқара оларди, холос. Лекин кўп ўтмай вазият ўзгарди. "The Sun" газетасининг бир нусхаси бир пенсдан сотила бошлади. Буни болалар бажаришди: газета сотиш учун кўчага чиқарилган ёш болалар ўша давр учун ўзига хос "инновация" эди.

Тўрт долларга шундай одам ёллашдики, у суд жараёнларида қатнашар ҳамда полиция хабарлари тасмасини тайёрлар эди. Ҳа, бу — репортёрдан фойдаланиш бўйича биринчи тажриба эди. Тўрт ой ичида "The Sun" газетаси шарҳда энг оммавий нашрга айланди.

Илк газеталар пайдо бўлиши билан одамлар улар орқали ахборот олишга эҳтиёж сеза бошлашди. Газеталар дастлабки оммавий ахборот воситаларига айланди, улар бутун дунёда одамлар учун асосий ахборот манбаи бўлди. Янги технологиялар, рақамли ахборот воситалари пайдо бўлишига қарамай, ҳозир ҳам кўп одамлар ҳамон газета ўқишни афзал билишади. Бу эса газетанинг бошқа, рақамли манбаларга қараганда ахборотни қўлайроқ ва тушунарлироқ шаклда тақдим этиши билан боғлиқдир.

## Жадид боболар орзуси

Мамлакатимизда ҳам матбуот дунё аъённаларига мос тарзда ривожланмоқда. Хар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунини сифатида нишонланади. Бу касб байрами матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг давлат суверенитети ҳолатини тарғиб қилиш, демократик жамият қуриш, аҳолини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги хизматларини эътироф этиш мақсадида, шунингдек, кўп сонли журналистлар, адабиётчилар, олимлар ва кенг жамоатчиликнинг тақдирларини ҳисобга олган ҳолда таъсис этилган.

Ўзбекистонда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунининг таъсис этилиши алоҳида воқеа, яъни 1906 йил 27 июнда ўзбек тилидаги илк нашр — "Тараққий" газетасининг биринчи сони чиққан сана билан боғлиқ.

Бу газетани тошкентлик жадид боболаримиз асос солишган. Газетанинг шiori: "Нажот: маслақда сабот, тўғрилиқна ижобат" эди. Нашр охири сонигача ўзининг шioriга содиқ қолди. Ўз саҳифаларида ўша даврда Туркистон диёрида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақиқат ва адолат тамойиллари асосида ёритилди. Маҳаллий аҳолига мустақилликни сиёсатининг моҳияти, миллий эълм, мустақиллик нима эканлиги, озодлик қанчаллик буюк неъматлигини аёнлаштиришга ҳаракат қилинди. Натигада газета тезда маҳаллий халқ орасида катта обрўга эга бўлди.

Саводхон кишилар газетани мустақил ўқишган бўлса, бошқалар уни чойхона ва бозорларда тингларди. У жуда тез оммалашиб, таъсирчан бўлиб кетди. Айниқса, жадидларнинг, ёзувчи ва шоирларнинг мақола ҳамда ҳикоялари босила бошлаганида ҳокимият ташвишга тушиб қолди. "Тараққий"нинг 19-сони чиққан у ёнида, таҳририятнинг мулки эса мусодара қилинди. Бош муҳаррир ва бир қатор ходимлар қамоққа олинди.

Бундан юз йиллар аввал чоп этилган мазкур нашрнинг тарихи ҳам оммавий

ахборот воситалари ходимларининг меҳнати жуда мураккаб ва масъулиятли эканини кўрсатади. Негаки, журналистларда энг кучли қурол — сўз бор. Улар халқ манфаатини фидойиларча ҳимоя қилади, эзгулик ва яратувчанлик элчилари бўлиб майдонга чиқади. Улар астойдил меҳнат, юксак эътиқод, касбига садоқат ва албатта, илҳом соҳибидир. Аммо илҳомнинг ўзи етарли эмас. Журналистика чинакамига "тўртинчи ҳокимият" бўлиши учун муайян шарт-шароитлар яратилмоғи лозим. Шундагина у чинакам кучга, қудратга айланади. Жадид боболаримиз орзу қилганидек, доим ўз маслағида собит туради, ҳақиқатни тўла рўёбга чиқаради.

## Ўзгаришларнинг яна бир ҳаётий ифодаси

Бугунги кунда юртимизда сўз эркинлиги ва ахборот олиш ҳуқуқини қафолатлашга хизмат қилувчи қонуний асослар шакллантирилган.

2016 йилдан бошлаб мазкур соҳада чинакамига бурилиш юз берди. Президент Шавкат Мирзиёев сиёсий иродаси ва қатъияти боис мамлакат дунёга очилди. Юртимизда халқ билан мулоқот қилиш, очиқлик, ошқоралик ва шафқатлиликни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамиятда демократик қадриятларни мустақамлаш, сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида урғу қаратилди. Бу борадаги ишларда оммавий ахборот воситалари ходимларига катта ишонч билдирилиб, давлат раҳбарли уларни энг яқин кўмакчиси сифатида билишини эътироф этди.

Шу билан бирга, соҳа олдида энг муҳим вазифалар қўйилди. Давлатимиз раҳбари 2017 йилда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлаган таърифта таъкидлаганидек, халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда хар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз...

Албатта, барчамиз яхши тушунагимиз, бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларидан нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айна вақтда юксак граждонлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади. Бундай мақсадга эришиш учун оммавий ахборот воситаларида қонунчилик нуқтаи назаридан, моддий-техник, ўқув-услубий таъминот нуқтаи назаридан янада кенг имкониятлар яратиб беришимиз керак.

Замонавий миллий журналистика мактабини яратиш кўп жиҳатдан, аввало, юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтган давр мобайнида ана шу талаб ва мезонлар ҳаётга дадил қўймоқда. Сўз эркинлиги тўғрисидаги меъёрлар янгиланган Конституцияга киритилди, шунингдек, ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни, ахборот эркинлиги ва жамиятда фикрлар хилмаҳилигини, ахборот маконида рақобат муҳитини шакллантиришни таъминлашга қаратилган қонунчилик тақомиллаштирилмоқда. Қисқа муддатда республикада оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқот учун ишончли кўприкка айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини ривожлантириш, масс-медиа орасида соғлом рақобатни қўлайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, соҳада "Устоз — шогирд" аънанасини ку-

чайтириш ва ходимларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Бугунги сўз эркинлиги, хар бир инсоннинг ўз фикрини ОАВ, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар орқали дадил билдираётгани, мутасадди ташкилотларга ҳеч қандай тўсиқларсиз етказиётгани мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларнинг яна бир ҳаётий ифодаси, десак, айна ҳақиқат.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг сони 2016 йилдагига нисбатан деярли 30 фоизга ортди ва айна пайтда 2 мингта яқини ташкил этмоқда. Хусусий ОАВ ҳам тобора муҳим ўрин эгалламоқда, бу эса — жамиятда фикрлар хилмаҳилигини таъминлаш, туб ислохотларни рўёбга чиқариш, жойлардаги камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий ахборот маконида интернет-нашрлар сони кейинги олти йилда деярли икки бараварга ортиб, 677 тага етди. Натигада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очиқ, холос ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Нодавлат электрон ОАВ, газета ва журналлар, нашриёт ва босмаҳоналар сони кўпайиб бораётгани ҳам эътиборга лойиқ.

Ҳокимлик ва бошқарув органларининг



раҳбари қатъий таъкидладики, биз қураётган демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги ҳаммаша Конституция, қонунлар ва Президентнинг ҳимояси остида бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўқинлик қилиш — бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши керак. Суд ва прокуратура органлари бизга муғлақ ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар қўриши лозим.

Ўтиш даврининг мураккаблиги са-

чиларнинг янги авлоди илгари мавжуд бўлганларининг сафини тўлдириб борапти, холос — ва бу эволюцион жараён. Интернет-медиа билан ҳам шундай вазият юзага келади. Босма матбуот ҳеч қачон йўқолмайди, ахир у — нафақат хабарлар тўлаими, балки бутун бир аънаваний жараёнда.

Кўпинча, бутунжаҳон тармоғида бирор хабарни ўқир экансан, ўйланиб қолсан, киши: унда ёзилганлар ҳақиқатми, воқеа-ҳодисаларга берилаётган баҳо қанчалик тўғри? Айна шундай ёндашув сабаб улар келгусида аънаваний нашрларнинг вазифасини ўзига тортиб олади, деб ишонши қийин. Ахир баъзи интернет-медиа ахборот воситасини эмас, балки ҳис-туйғулар воситасини эслатади-ку?!

Энди аънаваний босма ОАВга келсак, улар, аввало, ишончилиги билан ажралиб туради. Газета таҳририятидаги ходим ўзининг биринчи иш кунидеёқ шунинг аёнлигини, у хар бир ёзган сўзи, хар бир айтган фикри учун жавобгар. Бунинг устига, кўпинча, далилларни бир неча манба орқали текширади. Босма нашрда чиқадиган хар битта мақола бир неча босқичда таҳрирдан ўтади. Албатта, бу таҳрир давомида воқеани баён қилиш шакли, аниқлиги, оддий ва тушунарли бўлишига эътибор берилади. Керак бўлса, унинг устида қайта ишлаш учун муаллифга қайтарилди ҳам.

Алоҳида айтиш жоизки, газеталар аънаваний, аудитория учун одатдаги тушунарли форматга эга. Янгиликлар саҳифага жойлаштирилади. Уларни бошқа нарсага чалғимасдан ўқиб чиқиш ҳам осон. Бундан ташқари, газетада алоҳида бўлимлар, шунингдек, янгиликлар хроникаси, спорт ёки бизнесга бағишланган алоҳида устунлар мавжуд. Бу эса керакли ахборотни излаб топишни осонлаштиради.

Таҳририятларда меҳнатни, вазифаларни аниқ тақсимлаш, ходимларнинг илгари авлодлари бошлаб берган хайрли аънавалар, ижодий мусобақа, яхши материал ёзишга интилиш каби хусусиятлар мавжудки, буларнинг барчаси босма нашрлар журналистларини доим изланишда бўлишига, салоҳиятини мунтазам бойитиб боришига, халқ ичида, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-армонларини ҳис қилишга ундайди. Газеталарнинг ҳаммаша одамлар нигоҳида, эътибори марказида бўлишига хизмат қилади.

## Бир неча сатр учун...

Давлатимиз раҳбари бир неча бор айтганидек: матбуот ходимлари халқимиз учун эркин, фаровон ҳаётни таъминлаш йўлида ўзини, ўз кўнрағини аямайдиганларнинг биринчи қаторида бўлишга ҳаракат қилишади, шу босма ОАВ ходимларининг осир ва масъулиятли меҳнатини муносиб баҳолаш учун давлатимиз барча имкониятларни сафарбар қилади.

Бир пайтлар бизнинг газетамизда ўзбек телевидениесининг таниқли суҳан-

дони Галина Мельникова ҳақида қизиқарли мақола чиққан эди. Унда келтирилишича, 60-йиллар охирида диктор "Ахборот" дастури олиб бораётган пайтда қаттиқ зилзила рўй берган. Ва Галина Витальевна бундоқ қараса... студияда унинг ёлғиз ўзи қолибди. Ўшанда Мельникова дастурни охирига етказган!..

Кўриниб турибдики, ҳақиқий журналист нафақат истеъдоди билан, балки меҳнатсеварлиги, садоқати ва илҳоми, балки жасорати билан ҳам ажралиб туради.

— Баъзан ҳаёт бизни ўтмишга қайтаради. Айрим воқеалар, айтилган сўзлар, сеvimли кўшиқлар эсга келади. Масалан, биз — журналистлар ҳақида: "Газетадаги бир неча сатр учун уч кечаю кундуз йўл юриши ва уюлмаслик ҳам мумкин", деб хотирлайди ҳамкасблари даврасида Г. Мельникова. — Бугунги кунда муҳбирлар дунёнинг турли китъаларига учадилар. Ўзбекистонда жуда кўп ижодий ўзгаришлар бўляпти. Ҳаёт ўзгарди. Ўзининг катта тезликка эга самолётда учгандай ҳис қилсан. Чунки қамраб олиш керак бўлган мавзулар шунчалик кўп ва ранг-баранг. Битта журналистик материални монтаж қилиш учун керак бўладиган янги, замонавий асбоб-ускуналар ҳам кўп. Мен ишлаган даврда журналистнинг ишини олдинги сафдаги жанчи фаолияти билан қиёслаш мумкин эди: тўғри, каскаси ва бронжилети йўқ, лекин асосийси — унинг хато қилишга ҳақиқи йўқ. Бугунги кунда мен хурсандман. Негаки, матбуот ва телевидениеда нафақат мақтовли материаллар, балки танқидий лавҳалар ҳам бериляпти. Илгари бундай бўлмаган, энди эса вазиятни яхшилаш, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш имкони бор. Мен журналистикани яна жароҳликка ҳам ўхшатган бўлар эдим. Хар иккисига юксак касб маҳорати, билимдонлик, дадиллик ва одамларга муҳаббат каби хислатлар зарур.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жонатан Хеник оммавий ахборот воситалари ҳақида шундай ижодий фикр билдириди:

— Бугунги кунда кўплай журналистлар дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ёритиш учун ўз ҳаётини ҳам қорғовга қўяди. Мустақил ОАВ иши ҳозир хар қачонгидан ҳам муҳим, — деди дипломат.

Шу ерда Олий Мажлис Сенатининг Раиси Танзила Норбоевнинг ОАВ ходимлари ҳақида айтган фикрини ҳам келтириб ўтмасак бўлмайди:

— Сизлар энди қоғозда эмас, ҳаётда "тўртинчи ҳокимият" сизлар. Бугун сизлар мамлакат ривожига катта хисса қўшмоқдасиз. Сизнинг хар бир ижтимоий, танқид ва тақлифингизни биз, албатта, эътиборга оляпмиз. Ўзим кўп ахборот манбаларига ёзилганман, деярли барча шарҳларни ўқишга ҳаракат қиламан. Кейин уларни муҳокама қиламан ва улар устида ишлаймиз. Ишонтириб айтаманки, ҳеч бир танқид ёки тақлиф назаримиздан четда қолмайди.

...Кўпгина журналистлар билан суҳбатлашгангиз, улар ўзининг касбий фаолиятида босиб ўтган йўл шунчалик машаққатли бўлишини аввалига тасаввур қилмаганликларини айтишади. Биргина факт ва далилни олиш учун соатлаб изланиш, масала моҳиятини очиқ бериш учун воқеалар марказида бўлиш, сўраб-суриштириш, одамлар руҳи, кайфиятини ҳис қилиш, ҳодисалар залварини юракдан ўтказиш, уларни қоғозга тушириш, айнан керакли сўзни танлаш учун ижодий тўлғонилар — буларнинг ҳаммаси катта меҳнат заважга эришилади.

Бизнингча, журналистика — деярли хар кунни имтиҳон топиришини талаб қиладиган ягона ижод тури бўлса керак. Дейлик, ёзувчи битта асарни узоқ вақт давомида ёзиши мумкин. Рассом, мусиқачи ёки ҳайкалтарос ҳам шундай. Масалан, Леонардо да Винчи "Мона Лиза"ни бир неча йил давомида чизган. Журналист-чи, айниқса, кундалик газетада ишлайдиган муҳбир — уларда бундай имконият йўқ.

Қандай бўлмасин, деярли барча ҳамкасбларимиз тўғри йўлни танлагани ҳақида бир ҳулосага келишган. Ахир улар ўз касбининг ҳеч бир истисноси яхши кўришади, у билан фахрланишади ва бусиз ҳаётини тасаввур ҳам қила олишмайди. Айнан ана шу, касбга бўлган муҳаббат журналистга илҳом бахш этади, унда ҳаётимиздаги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиш истагини уйғотади ва қўнайтиради.

Ўттир РАҲМАТ.



Юнус БУРИЕВ олган сурат.

